

8 - Маъруза. Массанинг сақланиш қонуни.

Узлуксизлик тенгламаси

Режа:

1. Массанинг сақланиш қонуни.
2. Узлуксизлик тенгламаси.

Таянч иборалар: Узлуксизлик тенгламаси, массанинг сақланиши қонуни, һајжмий деформация, бир ўлчамли, элементтар струйка.

8. 1. Массанинг сақланиши қонуни

Суюќлик ёки газлар һаракатини ўрганишда узлуксизлик тенгламаси алоћида аћамиятга эга. Узлуксизлик тенгламаси массанинг сақланиши қонунини ифодалайди. Бу қонун бўйича һаракатдаги система массаси – m : ваќт - t давомида ўзгармасдир:

$$\frac{dm}{dt} = 0 \quad (1)$$

Маълумки,

$$m = \rho V ;$$

бу ерда: V - элементлар һажм;

У һолда:

$$\frac{dm}{dt} = \frac{d(\rho V)}{dt} = \rho \frac{dV}{dt} + V \frac{d\rho}{dt} = 0 \quad (2)$$

Математик ўзгаришлардан сўнг қуидагиларга эга бўламиз:

$$\frac{1}{V} \cdot \frac{dV}{dt} + \frac{1}{\rho} \frac{d\rho}{dt} = 0 \quad (3)$$

У һолда $\frac{1}{V} \frac{dV}{dt}$ - да $V \rightarrow 0$ интилганда

$$\lim_{V \rightarrow 0} \left(\frac{dV}{pdt} \right) = \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{\partial \omega}{\partial t} \quad (4)$$

Бу ифодага **најсмий деформация тезлиги** дейилади.

Бу ерда $u; v; \omega$ – сую́клик заррачалари тезлигини координата ў́кларига проекцияси.

У холда (3) тенгламани қўйидагича ёзамиш:

$$\frac{1}{\rho} \frac{d\rho}{dt} + \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{\partial \omega}{\partial z} = 0 \quad (5)$$

Зичликнинг координатаси ва ваќтга боғлиқлигини эътиборга олиб, $\frac{d\rho}{dt}$ -ни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{d\rho}{dt} = + \frac{\partial \rho}{\partial x} + u \frac{\partial \rho}{\partial x} + v \frac{\partial \rho}{\partial y} + \omega \frac{\partial \rho}{\partial z} = 0 \quad (6)$$

(5) тенгламага узликсизлик тенгламаси дейилади. Сую́клик ёки газни сиқилишидан (5) ва (6) ни умумлаштириб қўйидагини ёзиш мумкин:

$$\frac{d\rho}{dt} = \frac{\partial}{\partial x} (\rho u) + \frac{\partial (\rho v)}{\partial y} + \frac{\partial (\rho \omega)}{\partial z} \quad (7)$$

$\rho = const$ деб қабул қилсак, $\frac{d\rho}{dt} = 0$ бўлади. Ућолда (5) тенгламани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{\partial \omega}{\partial z} = 0$$

ёки

$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial v}{\partial y} + \frac{\partial \omega}{\partial z} = div v \quad (8)$$

(8) ифода маъносини қўйидагича шархлаш мумкин: сиқилмайдиган суюқлик ёки газнинг ҳаракати давомида хажмий деформация тезлиги нолга тенг.

Агар оқимни бир ўлчамли деб қабул қиласак ($v = \omega = 0$), (7) ифодани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{d}{dx}(\rho u) = 0$$

ёки

$$\frac{d(\rho u)}{dx} = 0$$

Элементар струйка учун сарф тушунчасини киритамиз, яъни оқим миқдорининг вақт давомида ўзгариш:

$$\frac{\partial(\rho Q)}{\partial l} + \frac{\partial(\rho \omega)}{\partial t} = 0$$

$\rho = cons \cdot t$ бўлса:

$$\frac{\partial Q}{\partial l} + \frac{\partial \omega}{\partial t} = 0$$

Барқарор ҳаракат учун $\frac{\partial \omega}{\partial t} = 0$; ω - оқимнинг ҳаракат кесими

$$\frac{\partial Q}{\partial l} = 0$$

бу ердан $Q = cons \cdot t$ ёки $Q = \omega \cdot \vartheta$ эканлигидан фойдаланиб, қўйидагини ёзамиз:

$$\omega_1 \cdot \vartheta_1 = \omega_2 \cdot \vartheta_2$$

Бу ифодага **оқим учун узлуксизлик тенгламаси** дейилади.

Мисоллар

1. Ўажми 300 m^3 бўлган хонадаги юнаво хар 15 минутда алмасиб туриши учун юнаво юнурунинг радиуси юнандай бўлиши керак, агар (воздуховод) юнаво юнуридаги оқим тезлиги $\vartheta = 3,0 \text{ м} / \text{с}$ бўлса.

Ечим:

Узлуксизлик tenglamasidan foydalananamiz:

$$\frac{\vartheta_1}{t} \cdot \omega_1 = \vartheta_2 \cdot \omega_2 \Rightarrow \omega_2 = \frac{\vartheta_1 \omega_1}{t \cdot \vartheta_2} = \frac{\vartheta}{t \cdot \vartheta_2} = \frac{300 \text{ m}^3}{3,0 \text{ м} / \text{с} \cdot 400 \text{ с}} =$$

$$\omega_2 = 0,785 d^2 \Rightarrow d^2 = \frac{\omega_2}{0,785} =$$

2. Кон томирининг (аорта) радиуси $r = 1,0 \text{ см}$, юннинг ўртача тезлиги $\vartheta = 30 \text{ см}/\text{с}$. Капиллярдаги кон оқимининг тезлигини аниқланг, агар уларнинг ўртача юзаси $\omega_k = 2000 \text{ см}^2$ бўлса ($d_k = 8 \cdot 10^{-4} \text{ см}$; сони миллиардга яқин).

Ечим:

Узлуксизлик tenglamasidan:

$$\vartheta_2 = \frac{\vartheta_1 \omega_1}{\omega_2} = \frac{30 \cdot \pi r^2}{2 \cdot 10^{-3}} = 0,047 \text{ см}/\text{с}$$

Назорат саволлари

1. Экотизимдаги жараёнларни моделлаштиришда массанинг сақланиш
қонуни.
2. Узлуксизлик тенгламасини тушунтириинг.
3. Узлуксизлик тенгламасидан масалалар ечишдан фойдаланиш.